

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

**НУРСАИДОВ Сухроб Нурсаидович**

*Ўзбекистон Республикаси стратегик таҳлил  
ва истиқболни белгилаш олий мактаби  
тадқиқотчиси*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13853857>

## ДАВЛАТЛАР ТАШҚИ СИЁСАТИДА ДИАСПОРАЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

### АННОТАЦИЯ

Мақолада давлатлар ташқи сиёсатида диаспораларнинг тутган ўрни қаламга олинган. Таъкидланишича, халқаро майдондаги ҳар қандай диаспораларнинг шаклланиши ва ривожланишида ўзига хослик жиҳатлари мавжуд, хусусан, улар мамлакатларнинг ички ва ташқи сиёсатида маълум ижтимоий ҳамда сиёсий вазифаларни бажариб келади.

**Калит сўзлар:** Хитой, диаспора, стратегик шериклик, ҳамкорлик, ташқи сиёсат, сиёсий имидж, диаспора сиёсати.

## РОЛЬ ДИАСПОР ВО ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКЕ ГОСУДАРСТВ

### АННОТАЦИЯ

В статье описывается роль диаспор во внешней политике государств. Отмечается, что формирование и развитие любой диаспоры на международной арене имеет свои особенности, в частности, они выполняют определенные социальные и политические задачи во внутренней и внешней политике стран.

**Ключевые слова:** Китай, диаспора, стратегическое партнерство, сотрудничество, внешняя политика, политический имидж, политика диаспоры.

## THE ROLE OF DIASPORAS IN THE FOREIGN POLICY OF STATES

### ANNOTATION

The article describes the role of diasporas in the foreign policy of states. It is noted that the formation and development of any diasporas in the international arena have specific aspects, in particular, they have been performing certain social and political tasks in the domestic and foreign policy of the countries.

**Key words:** China, diaspora, strategic partnership, cooperation, foreign policy, political image, diaspora policy.

### *Кириш*

Ҳар қандай давлатнинг халқаро майдонда ўзининг миллий манфаатларини амалга оширишида чет элда яшовчи этник миллий вакиллари муҳим ўрин бўлиб келмоқда. Кўплаб фаол диаспораларнинг вакиллари мезбон давлатларга таъсир кўрсатиш орқали ўзлари келиб чиққан мамлакатларининг манфаатларини ҳимоя қилмоқдалар (*хитойлар, руслар, ҳиндлар, яҳудийлар, арманлар ва бошқалар*). Баъзи бир ҳолларда диаспоралар давлатлараро муносабатларни ривожлантиришга ўзининг ҳисса қўшишлари ёки улар ўртасидаги ҳамкорликка қўшимча тўсиқлар қўйиши мумкин. Шунинг сабабли ҳар бир давлат чет элда истиқомат қилувчи ватандошларига нисбатан самарали сиёсатни ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга оширишдан манфаатдор, чунки мезбон мамлакатдаги мазкур диаспора вакиллари халқаро майдонда давлатнинг миллий устувор йўналишларини амалга оширишга жалб қилишга имкон яратади.

Халқларнинг бир жойдан бошқа ҳудудга кўчиб ўтишиши доимий ҳамда одатий ҳодиса ҳисобланиб, инсоният тарихининг барча босқичларида унга ҳамроҳ бўлиб келган. Тарихий ҳамда илмий манбаларда қадимги даврдан то ҳозирги кунга қадар аҳолининг доимий ҳаракатланиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Яҳудийларнинг қувғин қилиниши, Америка қитъаси ва Тинч океани ороллари мустамлака қилиш, қул савдоси ва иқтисодий инқилоб даврида қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга ички миграцияси ҳамда ҳозирги кундаги Европада давом этаётган миграция инқирози бунинг тасдиғидир.

### *Асосий қисм*

Замонавий дунёда аҳолининг ўз ҳудудидан бошқа ҳудудга кўчиши глобал аҳамиятга эга муаммо ҳисобланиб келмоқда. Яъни, муҳожирларнинг ўзига хос табиати билан маҳаллий аҳолидан фарқ қилиши жамоат тартибсизликлари ҳамда бошқа салбий оқибатларнинг вужудга келишига олиб келади. Бунинг натижасида кўплаб давлатларнинг ҳукуматлари орасида катта сиёсий можаролар келиб чиқади [1].

Миграция масалалари билан шуғулланадиган халқаро ташкилотларнинг 2021 йилдаги маълумотига кўра, дунё микёсида мигрантларнинг сони 600 млн.га яқин кишини ташкил қилган [2] (*БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари, Халқаро миграция ташкилоти, Миграция ва ривожланиш бўйича глобал форум каби тахминан 20 та ташкилот мавжуд бўлиб улар миграция масаласига оид бир қатор дастур ҳамда лойиҳаларни амалга оширадидлар*). Муҳожирлар турли хил кўринишдаги сабабларга кўра, ўзи яшаётган мамлакатларини тарк этишади (*иш, таълим, қулай шароитларни излаб, янги имкониятлар, уруш, касаллик, сиёсий репрессия ва бошқалар*), бироқ уларнинг асосий мақсадларидан бири бу янги ҳаёт бошлаш билан боғлиқдир. Шу билан биргаликда, аҳолининг кўчишига жуда яқин ва алоқадор яна бир жараён диаспора бўлиб, айна пайтда мазкур муаммо кўплаб давлатларни ташвишга солмоқда.

Диаспоралар муайян давлатга кўчиб борган бошқа мамлакат аҳолисининг муваффақиятга эришганлиги натижасидир. Муҳожирлар мезбон мамлакатдаги вазиятга қанчалик интеграциялашиб кетсалар, улар асл мақсадига эришиш имкон даражада яқинроқдир. Мослашув пайтида этник жамоаларнинг (*диаспораларнинг*) жипслашув ҳолатлари кузатилади. Арманистон, Россия, Фаластин, Исроил, Италия, Хитой, Ҳиндистон, Ливан, Куба, Греция, Туркия, Негерия ва араб давлатларининг диаспоралари бу борада катта ютуқ ва натижаларга эришганлар.

Муҳожирлар ўз ватанларини тарк этганларидан сўнг, ўзлари учун бегона бўлган жойда узоқ муддатда истиқомат қилишлари учун маҳаллий ҳудуддаги мавжуд кадриятларга мослашишлари керак бўлади. Улар ўзларининг урф-одати ва маданиятига ҳам эга. Натижада, маҳаллий аҳоли ҳамда диаспоранинг ҳаёти бир-биридан ажралиб туради. Бу хусусият вақт ўтиши билан диаспораларнинг авлодлари ўзларининг кадриятларини маҳаллий маданиятнинг бир қисмига айлантириб, улар ўртасида мавжуд бўлган барча фарқларни бартараф қилишга замин яратади. Шунингдек, диаспоралар маҳаллий аҳоли билан боғлиқ зиддиятли аҳволга тушиб қолаётганлиги бир қатор илмий доираларда таъкидланилиб келинмоқда.

Асосан итеграциялашув жараёнида диаспораларнинг тили, маданияти, ҳуқуқ ва мажбуриятларини эътиборсиз қолдириши ҳоллатлари мавжуд. Лекин, муҳожирларни қабул қилувчи бошқа кўплаб давлатларда бу жараёнлар динамик равишда ривожланган ҳолатлар бор. Одатда бу каби ҳолларда диаспораларнинг иқтисодий ва сиёсий таъсири муҳим роль ўйнаши кузатиш мумкин, бу эса, уларга мамлакатдаги сиёсий арбоблар билан миллий ва халқаро масалалар бўйича музокаралар олиб бориш ҳамда мулоқот қилиш имконини бериб келади.

Мазкур жараён ҳозирги кунда илмий доира вакиллари орасида “диаспора дипломатияси” (*инг. Diaspora Diplomacy*) [3] деб номланади ва бу мезбон мамлакатнинг иқтисодиёти, сиёсати ва маданиятига таъсир қилувчи кўплаб муҳожирларнинг коллектив фаолиятига тегишлидир. Яъни, ўзаро манфаатли алоқалар орқали томонларнинг маданиятларини бирлаштирилади.

Баъзи ҳолатларда диаспоралар нафақат тарихий ватани ва мезбон мамлакатлари ўртасидаги мавжуд халқаро муносабатларга таъсири қилиши мумкин, балки бошқа давлатларнинг билан алоқаларга ҳам таъсир кўрсатиши имконияти мавжуд [4].

Диаспоралар баъзи давлатларни муайян ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишга мажбур қилади ёки қабул қилинаётган қарорларга таъсир кўрсатиб келади. Терренс Лионс “диаспора дипломатияси”га нисбатан ўхшаш бошқа бир янги тушунчани – “диаспора лоббизими”ни (*инг. Diaspora Lobbying*) илгари суради [3]. Аммо, давлатлар диаспоранинг кучини ўз манфаатлари йўлида ишлатиши мумкинлиги нуқтаи назардан мазкур ёндашувда қарама-қаршиликларни вужудга келтириб чиқаради.

Ҳиндистонлик дипломат Рана Кишаннинг нуқтаи назарига кўра, “диаспора дипломатияси” диаспораларга нисбатан янгича ёндашув бўлганлиги сабабли кам ўрганилган ҳамда тўлиқ очиб берилмаган тушунча ҳисобланади [3]. Илмий жамоатчилик томонидан эса, ушбу ҳолат маълумотларнинг етарли бўлмаганлиги билан тавсифланади. Тадқиқотчилар мазкур тушунчани қуйидаги белгилардан келиб чиқиб кўриб чиқмоқдалар:

муҳожир жамоаларнинг турли кўринишдаги ташкилотлари;

диаспорал ташкилотларнинг бошқа давлатларда тутган ўрни;

мезбон давлат ва диаспора келиб чиққан мамлакат ўртасидаги муносабатларда жамиятларнинг аҳамияти ҳамда роли;

диаспора жамоаларининг кейинги авлодлар учун иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий роли, уларнинг тарихий ватанлари билан боғланиш кучига эга эканлиги;

диаспораларнинг давлатлардаги ташқи сиёсати билан боғлиқ фаолиятидан келиб чиқиши мумкин бўлган ва мавжуд хавфлар [5].

Тадқиқотчиларнинг изланишлари “диаспора дипломатияси” тўлиқ ўрганилмаганлигини ва унинг чегараси ҳамда марказий ғоясини аниқлаш қийин бўлган, фикрларнинг хилма-хиллигини бирлаштириб турадиган бир ҳодисалигини белгилаб беради.

Тарихнинг муайян босқичларда диаспоралар ҳеч қайси давлат томонидан эътироф этилмаган ҳамда аҳолининг миллий таркибидан чиқариб ташланган. Аммо, ҳозирги кунда кўплаб диаспоралари мавжуд бўлган баъзи мамлакатлар (*масалан, Мексика*) хориждаги муҳожирлари АҚШ каби бошқа давлатлар билан алоқаларни ривожлантиришга ҳисса қўшганини эътироф этадилар. Диаспораларда бошқа соҳалардан кўра кўпроқ иқтисодий муносабатларга таъсир этиш эҳтимоли мавжуд. Хусусан, Сноры технология институтининг илмий тадқиқоти Америка Қўшма Штатларидаги хитойликлар сиёсий жиҳатдан эмас, балки, икки давлатнинг иқтисодий муносабатларига катта таъсир кўрсатаётганлигини таъкидлаган. Бундан фарқли равишда Мексика диаспораси асосан Мексика ва АҚШ ўртасидаги сиёсий масалаларда иштирок этиши кузатилади.

Тадқиқотчилар буни икки давлатнинг умумий чегараларидаги ҳаракатлар билан боғлаб келишмоқда [6].

Хусусан, 2019 йилдаги статистик маълумотида кўра, АҚШда тахминан 23 млн. мексикалик яшаган [7]. Ноқонуний иммиграция, гиёҳванд моддалар ноқонуний айланмаси, депортация, коррупциялашган божхона назорати икки давлатнинг кун тартибида тез-тез юз берадиган масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бошқа тарафдан, К.М.Ховенир диаспоранинг иқтисодий ва сиёсий кучига катта эътибор беради [8]. Унинг фикрича, диаспоралар ҳар доим мамлакатларнинг халқаро сиёсати билан ҳамма вақт боғлиқ ҳисобланиб, айниқса тарихий ватанлари билан бўлган муносабатларда айниқса аҳамиятлидир. Давлатларнинг ташқи сиёсатида диаспоралар етарлича таъсир кўрсатиб келади ва бу асосан қуйидаги манфаатлар билан ўзаро боғлиқ:

тарихий ватанининг ташқи сиёсатдаги манфаатларини илгари суриш учун мезбон давлат ҳукуматида босим ўтказиши;

ўзининг келиб чиққан мамлакати билан алоқаларни қайта ўрнатиш ёки ундан узоқлашиш учун унга таъсир қилиши;

қабул қилувчи давлатдаги муайян бир партиянинг, ижтимоий ҳаракатнинг ёки ижтимоий ташкилотнинг фаолиятини молиялаштириш ва рағбатлантириши;

терроризмга ҳомийлик қилиши ва ўз юртида можароли вазиятларни давом эттирилишига ёрдам бериши (*америкаликлар билан кубаликлар, арманлар ва ирландлар ҳамда яҳудийлар билан греклар ўртасидаги муносабатлардаги кўринишлар*);

бундан ташқари, диаспоранинг вакиллари оммавий норозиликларда ва ўз мамлакатлари билан боғлиқ масалаларга таъсир кўрсатадиган тадбирларда иштирок этишлари [8].

Шунингдек, миграция муҳожирлар келиб чиққан мамлакатларининг иқтисодиётини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишни таъкидлаган. Жаҳон банки маълумотида кўра, 2008 йилда муҳожирлар ўз ватанларига 338 млрд. АҚШ доллари атрофида пул ўтказилган.

Пул маблағларининг бундай ҳаракати қуйидаги афзалликларга эга:

- камбағалларни камайтириш,
- хорижий инвестициялардан фойдаланиш,
- савдо-сотиқни ривожлантириш,
- илмий ва техник ютуқлардан фойдаланиш ҳамда маданий ҳамкорлик.

Кўплаб тадқиқотчилар диаспорани сиёсий таҳлилнинг элементи сифатида кўриб чиқишга ҳаракат қилиб келишмоқда. Бунга ёрқин мисол сифатида асосан Исроил ва Ҳиндистон тажрибаси келтириб ўтишади. Хусусан, яҳудийлар диаспора дипломатиясининг пайдо бўлиши учун энг мақбул услубларидан бирини яратганлар. Хусусан, 1948 йилда Исроил мустақилликка эришгунига қадар яҳудий халқининг кенгайиши ва тарихий ватанларига қайтиш ҳуқуқи яҳудий жамоаларининг ўз манфаатлари йўлида мезбон давлатларнинг сиёсий кучларига босим ўтказишга мажбур қилинган. Бир қанча давлатларда яҳудийлар ҳозиргача ўз қўлларида ушлаб турадиган муҳим сиёсий кучга эришганлар. Масалан, яҳудийлар АҚШда кучли таъсирга эга ҳисобланишади. Улар иқтисодиёт, сиёсат ва бизнес соҳаларида юқори лавозимларни эгаллаб келишмоқда, шунингдек, АҚШ ташқи сиёсати масалаларини ҳал этиш, хусусан, араблар ва яҳудийлар ўртасидаги муносабатлар юзасидан қабул қилинадиган қарорлар уларга боғлиқ бўлиб келмоқда.

2020 йил маълумотларига кўра, АҚШдаги яҳудий жамоалари 29 500 кишини ташкил этган, бу АҚШ аҳолисининг 2,1 % ига тўғри келади [8]. Яҳудийлар диаспораси АҚШга етарлича таъсир кўрсатади ва ундаги мавжуд имкониятлардан ўз манфаатларини инобатга олган ҳолда фойдаланиб келишади. АҚШ бошқа ривожланган давлатлардан фарқли ўларок “иммигрантлар мамлакатидир”.

Кўп ҳолларда бир этник жамоа асрларга бориб тақаладиган тарихий илдизларга эга бўлиб, бу бошқа янги мигрантларнинг сиёсатда иштирок этишини қийинлаштиришига олиб келади. АҚШ ҳукуматида диаспоралар билан музокара қилишда ўзига хос мослашувчанликлари мавжуд.

Улар диаспораларни ўзларининг сиёсатдаги таркибий қисмлари ва ижтимоий базаси деб билишади. Бундай ёндашув АҚШ ҳукумати ва диаспоралар ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиб келади.

Исроилда ташкил этилган Қуддус ҳамда диаспоралар ишлари бўйича вазирлиги мамлакат ва яҳудий жамоалари ўртасидаги алоқаларга масъулдир. Шунингдек, унинг иқтисодий ривожланиши учун қўмаклашишга ёрдам беради. Мазкур вазирлик Исроил давлати учун фойдали бўлган шартномаларга ва замонавий технологиялар ҳақида маълумотлар мавжуд. Буларнинг барчаси Исроил давлатининг сиёсати, АҚШда жойлашган диаспоранинг тарихи ҳамда фаолияти, икки давлатлар ўртасидаги икки томонлама муносабатларга уларнинг тўғридан-тўғри кириш имкониятини таъминлаганини кўрсатиб беради.

Бундан ташқари, ҳинд диаспораси халқаро муносабатларга етарлича таъсир кўрсатиб келмоқда. Хорижий мамлакатлардаги ҳинд диаспораси вакиллари дунёда хитойликлардан кейинги ўринда туради: 130 дан ортиқ давлатда 53 млн.дан ортиқ кишини ташкил қилади. Айни вақтда ҳинд диаспораси АҚШ, Буюк Британия ва Ғарбнинг бошқа давлатларида катта таъсир ўтказиб келади. Ҳинд диаспораси вакиллари АҚШ аҳолисининг 1% ини ташкил қилади (*уларнинг асосий қисми талабалардир*). Ҳар йили 30 000 нафар ҳиндлар ўз ташаббуслари билан АҚШда таълим олиш учун мамлакатдан чиқиб кетади, шунингдек улар мамлакатда кўп талаб қилинадиган мутахассисликларга эга.

Шу билан бир қаторда, ҳинд мигрантлари орқали Ҳиндистонга катта миқдордаги пул ўтказмалари амалга оширилган. 1990 йилда пул ўтказмалари миқдори 2,1 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 75 млрд. АҚШ долларига етган. Бу рақам мамлакатга 2013-2014 йиллар давомида тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар миқдоридан 3 баробар кўпдир[8].

Ҳиндистоннинг бошқа давлатлар билан алоқаларида эса, ҳинд диаспораси сиёсий таъсирга эгадир. Бунга мисол сифатида, 2000 йилда Фижида давлат тўнтаришига, яъни ҳиндларнинг ҳарбий миллатчилари томонидан ҳокимиятни ағдарилишига олиб келди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, халқаро майдонда диаспораларнинг пайдо бўлиши айрим давлатларда катта қизиқиш уйғотиб келади. Хусусан, Кишан Рананинг фикрича, мазкур ҳолат давлатларнинг ташқи сиёсат стратегияларини кўриб чиқиш ва ушбу давлатлардаги иммиграциянинг сиёсий, иқтисодий, технологик ва маданий афзалликларини ўрганиш билан белгиланади. Шу навбатда, айрим тадқиқотчилар мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсий фаолияти доирасида муҳожирларнинг катта миқдордаги оқими, уларнинг ҳаракатлари ва ватанларига қайтиб кетишларини оммавий назорат қилиш мумкин деб ҳисоблаб келишган.

Баъзи мутахассислар, сиёсатчилар ва журналистларни диаспора ва турли мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг умумий таърифи сифатида “диаспора дипломатияси” тушунчасидан фойдаланиши уларнинг тадқиқот жараёнига таъсир кўрсатиб келмоқда. Яъни ушбу тушунчани қўллаш доираси кенгайтириб келишмоқда.

Шу сабабли, тадқиқотчилар томонидан диаспоралар билан муносабатга киришувчи давлатларнинг ташқи сиёсатини фарқлаш учун қуйидаги асосий тушунчалар ажратиб олинган:

- эмиграция;
- иммиграция;
- аҳолини бошқа жойга кўчириш ва ватанига қайтариш[9].

XX асрда Мексика ҳукумати Лотин Америкасидаги иккинчи давлат Эквадор каби АҚШдаги мексикалик диаспоралардан келган мурожаатларни кўриб чиқиш учун махсус консуллик сиёсатини (*хориждаги фуқароларини қўллаб-қувватлаш сиёсати*) қўллашни бошлаб юборган[10].

Мексика ҳукумати нафақат консуллик сиёсати орқали АҚШдаги диаспораси манфаатларини ҳимоя қилади, балки уларнинг фаровонликларини ошириш учун соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳалари бўйича кўплаб дастурлар ишлаб чиқади ва мазкур бизнесни қўллаб-қувватлаш масаласида маслаҳат ҳамда ёрдамлар беради.

Мазкур тадбирлар маълум бир вақтдан кейин ушбу ташаббуслар Мексика ташқи сиёсатининг ажралмас қисмига айланди ва давлат бу орқали катта натижаларга эришишга имконият яратди.

Фақатгина 2013 йилнинг ўзида АҚШдан Мексикага 21 млрд. доллар миқдорида пул ўтказмалари амалга оширилганлигини кўриш мумкин [11].

Мексика ҳукумати ташқи сиёсатида диаспора дипломатиясини эмиграция йўналишидан (*инг. Emigrate Diaspora Diplomacy*) жуда кўплаб фойдаланиб келади. Шу навбатда, Мексика каби ёндашувни Кения ва Нигерия давлатлари ҳам олиб боришмоқдалар. Хусусан, Кения ривожланган давлатларда яшовчи фуқароларга маслаҳат хизматларини кўрсатувчи вазирликни ташкил этган. Вазирликнинг асосий мақсадларидан бири мамлакатга ташқи инвестиция ва технологияларни олиб киришдир. Негирия давлати эса, ўзининг бошқа мамлакатларда катта таъсирга эга диаспораларини билан алоқа ўрнатиш мақсадида дастурлар ишлаб чиққан. Ҳар икки давлатнинг мазкур сиёсати муҳожирларни рағбатлантириш мақсадида мўлжалланмаган, лекин уларнинг қўллаб-қувватлаши ҳар доим диаспора вакиллари томонидан қабул қилиниб келинган. Шунингдек, иммиграцияга оид “диаспора дипломатияси” (*инг. Immigrate Diaspora Diplomacy*), муайян давлат томонидан унинг хавфсизлигига таҳдид солувчи муҳожирларга жавобан қабул қилинган ташқи сиёсий чораларини кузда тутати. Бу ҳолатда муайян давлатнинг диаспораси вакилларида ушбу давлатга қарши фойдаланилиб келинади. Мезбон давлатлар уларнинг кўчиб кетишига ва уларнинг турмуш шароитларига мослашишига ёрдам бериб келишадилар. Бунга АҚШдаги венесуэлаликлар бунга мисол қилиб олсак бўлади. АҚШ ҳукумати улар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун ихтисослашган компаниялар ҳамда турли хил кўринишдаги ташкилотлар тузган.

Ҳозирда АҚШ томонидан венесуэлаликлар қўллаб-қувватланиши туфайли мамлакатда уларнинг сони жадал ўсганлигини статистик маълумотларда кўрсатади. Мазкур жамиятлар уч ой давомида сиёсий қочоқ мақомини яхши ўрганилиб келинган. Ва бу ҳозирги замонавий давлатларда бизнеснинг янги тури ҳисобланади, яъни сиёсий қочоқлар билан ишлашда ҳуқуқий бўшлиқлардан фойдаланилиб келишад.

XXI аср бошларида АҚШда яшаётган венесуэлаликлар ижтимоий тармоқларда “махсус ташкилотлар” тузишди ва мазкур ташкилотлар ёрдамида уларга сиёсий таъкиблар қурбони ёхуд сиёсий қочқин мақомини беришга муваффақ бўлишган. Бундай ташкилотлар АҚШдаги венесуэлаликларнинг сиёсий репрессия учраганлигини исботлаш учун асосан “Каракас” даврий нашрида ёлғон маълумотларни чоп этишган. Бундай дастурлар асосан Майами ва НьюЙоркда муваффақият чўққисига эришган.

Дунё миқёси даражасида сиёсий қочоқлар ҳар ой 7 000 АҚШ доллари миқдорида маблағ олиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. АҚШда Венесуэлалик сиёсий қочоқлар (*сиёсий партия аъзоси, йирик тадбиркор, маданият ҳодимлари*) ойига 5 000 АҚШ доллари миқдорида пул олишади. Қолган венесуэлаликларга бир ой давомида 800-1000 АҚШ доллари миқдорида пул сарфлашади [12]. Миграция тадқиқотлари марказининг (*инг. Center for Immigration Studies*) статистик маълумотларига кўра, дунёда ўртача 11 млн. киши ҳар йили ноқонуний равишда АҚШ чегарасини кесиб ўтишади. Бу кўрсаткич 2000-2012 йилларда АҚШда қонуний келган хорижликлар сонига тенг ҳисобланади [13]. Мазкур вазиятда АҚШ ноқонуний миграция билан курашиш учун қаттиқ виза сиёсатини жорий қилишга мажбур бўлган. Шунингдек, 2015 йилда АҚШ 37 мамлакат билан визасиз режим жорий қилган ҳамда АҚШ ўзининг барқарор шериклик манфаатларига мос келадиган давлатлар билан ҳамкорлик вақтида уларнинг диаспораларига қўлай шароит яратиб бериб келади.

2015 йилдаги Европадаги миграция инқироzi Туркия ва Ливия давлатларини аҳолини кўчириш билан боғлиқ “диаспора дипломатияси” (*инг. Transmigrate Diaspora Diplomacy*) ҳақида жиддий ўйлаб кўришга мажбур қилинди. Европа Иттифоқи давлатларига Африкадан, Яқин Шарқдан, Ғарбий Болқондан, Жанубий Осиё мамлакатлардан келган қочқинларнинг назоратсиз оқими Туркия ва Ливиянинг худудий суверенитетига жиддий хавфни вужудга келтирди [14].

Суриядаги уруш пайтида бир йил ичида юз минглаб одамлар Туркия ва Ливия, шу жумладан, Ўрта ер денгизи орқали Европага ноқонуний тарзда кесиб ўтишган. Мазкур инқироз натижасида, Туркия ва Ливия ҳукуматлари аҳолини кўчириш бўйича бир қатор чоратadbирларни амалга ошириш бўйича дасутралар ишлаб чиқилиб, бажарилган. Инқироз Туркия ва Ливия ҳамда Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро муносабатларни кўчайтирди, бу эса, кенг кўламдаги қочқинлар оқимини тўхтата олишга қаршилик қилаолмади.

Бундан ташқари, айти пайтда давлатларнинг ташқи сиёсатидаги халқларни ўз ватанига қайтариш бўйича “диаспора дипломатияси” (*инг. Returned Diaspora Diplomacy*) долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланиб келинмоқда [15]. Хусусан, 2015 йилда Куба ва АҚШ ўртасидаги муносабатларни яхшилаш бўйича музокаралар жараёнида Куба ҳукумати минглаб кубаликларни ўз ватанига қайтариш масаласини кўриб чиқишган.

АҚШнинг янги миграцияга оид қонуни ва мослашувчан ташқи сиёсати 2 млн. америкадаги кубаликларни Кубага қайтариш имкониятини яратишга туртки бўлди. Шунга ўхшаш ҳолат XX асрнинг 90-йилларида Германия мамлакатида ҳам содир бўлган. Германия ягона давлатга бирлашган ҳамда Совет Иттифоқи парчаланиб кетгандан сўнг хориждаги немис жамоалари ўз ватанларига қайтиб келиш оқими кучайиб борган. Уларнинг асосий қисми Шарқий Европа ва Россиядан келган немислар ҳисобланади.

#### Хулоса

Халқаро майдондаги ҳар қандай диаспораларнинг шаклланиши ва ривожланишида ўзига хослик жиҳатлари мавжуд, хусусан, улар мамлакатларнинг ички ва ташқи сиёсатида қуйидаги ижтимоий ҳамда сиёсий вазифаларни бажариб келади:

- диаспора ўз халқининг маданий яхлитлиги бўлган тили, маданияти, анъаналари ва урф-одатларини ҳамда тарихий ватани билан алоқаларни сақлаб қолишга ҳаракат қилади;

- диаспора чет элдаги миллий озчилик бўлган этник жамоа бўлиб, ўз халқининг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

- мамлакат ва ўз ҳудудида яшайдиган диаспоралар ўртасида ижобий муносабатларнинг мавжудлиги миллатчилик, шовинизм ва антисемитизмнинг намоён бўлишига тўсиқ бўлади ҳамда ўзаро ишончсизлик ва душманликни бартараф этишга ўзаро ҳисса қўшишга кўмаклашади.

- диаспора сиёсий майдонда фаол ҳаракат қилиб келади:

- давлатларнинг манфаатларини илгари суришади, ўз давлатлари учун ҳуқуқ ва имкониятларни кенгайтиради ҳамда давлатлар ўртасидаги муносабатларни самарали ривожлантириш учун шароит ва имконият яратаиб келади;

- диаспоралар мамлакатнинг халқаро позициясига бевосита ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

**ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES.**

1. Colussi M. Migraciones: Un Problema para el siglo XXI, 2005, available at: [http://www.iidh.ed.cr/comunes/diversida/docs/div\\_enling/colussi.htm](http://www.iidh.ed.cr/comunes/diversida/docs/div_enling/colussi.htm)(access date: 13.03.2016).
2. Migraciyn internacional en sumбximo histyrico, Banco Mundial, 2015. <http://www.bancomundial.org/es/news/press-release/2015/12/18>.
4. Lyons T. Diaspora Lobbying and Ethiopian Politics, Diaspora Lobbies and the US Government: Convergence and Divergence in Making Foreign Policy, ed. Dewing J., Segura R., 2014, p. 163.
5. Gonzalez III J. Diaspora Diplomacy: Philippine Migration and its Soft Power Influences, USA: Mill City Press,
6. Rana K. S. 21st Century Diplomacy: A practicioners. Continuum, USA, 2011.
7. Aguirre Ochoa J. Similitudes y diferencias de los procesos de integraciyn a EUA de la Migraciyn Mexicana y China en Estados Unidos en el siglo XX, Noroeste Asiбtico: Diplomacia y Comercio con Amйrica, ed. Celaya R., Mexico: Instituto Tecnolygico de Sonora, 2014, pp. 90–99.
8. Motel S., Patten E. Statistical Portrait of Hispanics in the United States, 2012, 2014, available at: <http://www.pewhispanic.org/2014/04/29/statistical-portrait-of-hispanics-in-the-united-states-2012/> (access date: 13.03.2016).
9. Jovenir C. Diaspora Diplomacy: Functions, Duties, and Challenges of an Ambassador, 2013, available at: [http://www.academia.edu/13397113/Diaspora\\_Diplomacy](http://www.academia.edu/13397113/Diaspora_Diplomacy) (access date: 13.03.2016).
10. Dellapergola S. Jewish World Population, 2013, available at: <http://www.jewishdatabank.org/studies/downloadFile.cfmFileID=3113> (access date: 13.03.2016).
11. Ginй Davн J. Las dos diбsporas mбs influyentes del mundo, available at: <http://www.esade.edu/web/esp/aboutesade/today/esade-opinion/viewelement/1/las-dos-diasporas-mas-influyentes-del-mundo>.
12. Schiavon J. A. Cбrdenas Alaminos N. La protecciyn consular de la diбspora mexicana, Revista mexicana de polntica exterior, 2014, No. 101, pp. 43–68.
13. Hamm P. H. Mexican-American Interests in US-Mexico Relations: The Case of NAFTA, Center for Research on Latinos in a Global Society, 1996. // Escobar A., Janssen E. Migration, The Diaspora and Development. The case of Mexico, International Institute of Labour Studies, Discussion Paper, 2006, vol. 167.
14. Torrealba A. A. Medios de Comunicaciyn e Informaciyn y Redes Sociales en la Polntica Exterior de Bolivia, Ecuador y Venezuela (2006–2012), 2015, available at: [http://www.academia.edu/10239163/medios\\_de\\_comunicaci%e\\_informaci\\_%C3\\_%93N](http://www.academia.edu/10239163/medios_de_comunicaci%e_informaci_%C3_%93N) (access date: 13.03.2016).
15. Detuvieron a venezolana por cometer fraude migratorio en EEUU, El Nacional, 2015, available at: [http://www.el-nacional.com/mundo/Detuvieron-venezolana-migratorio-EE-UU\\_0\\_733726638.html](http://www.el-nacional.com/mundo/Detuvieron-venezolana-migratorio-EE-UU_0_733726638.html) (access date: 13.03.2016).